

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИНХА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ СИФАТ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ

Тошкент шаҳридаги Инха Университети чет эл тажрибаси асосида тизимли таълим жараёнини амалга ошириш, ҳам маҳаллий, ҳам халқаро меҳнат бозорларида талабгир рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ташкил этилган.

Тошкент шаҳридаги Инха Университети талабаларга қуйидаги йўналишлар бўйича таълим беради:

*«Компьютер ва дастурий инжиниринг» факультети (School of Computer and Information Engineering (SOCIE))*

*«Логистика» факультети (School of Logistics (SOL)).*

*Тошкент шаҳридаги Инха Университети миссияси.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 мартдаги ПҚ-2155-сон Қарорида белгиланган вазифаларга мувофиқ, Тошкент шаҳридаги Инха Университети ахборот-коммуникация технологиялари ва логистика соҳасида юқори малакали кадрларни, истиқболли ва мақсад сари интилувчан шахсларни тайёрлайди.

*Тошкент шаҳридаги Инха Университети йўналиши.*

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларида, давлат бошқарувида замонавий рақамли технологияларни кенг жорий қилиш ва телекоммуникация тармоғини кенгайтириш учун муваффақиятли ИТ-кадрлар бўлишга интилаётган бутун ёш авлодга билим ва тажриба беришга барча ҳаракатларни йўналтириш.

Эришилган натижаларга ва аниқланаётган захираларга асосланган ҳолда Тошкент шаҳридаги Инха Университети ўз фаолияти ва яқин истиқболдаги ривожланишининг қуйидаги асосий стратегик йўналишларини белгилаб олди:

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрларни, шу жумладан рақамли иқтисодиёт, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш мутахассисларини тайёрлаш;
- замонавий таълим технологияларини ҳамда ўқув ва илмий жараённи ташкиллаштириш бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш;
- узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ходимларнинг малакаларини ошириш;
- етакчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар, ишлаб чиқариш корхоналари, саноат ва инфратузилма тармоқлари, инновациявий ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа истеъмолчилари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш;
- иқтисодиёт реал секторининг муайян эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрланишини назарда тутадиган мақсадли таълим дастурларини ташкиллаштириш;
- таълим фаолияти хизматларини тақдим қилиш сифатини таъминлаш учун Университетнинг барқарор инфратузилмасини яратиш;
- илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, тор назарий ва амалий билимлар олинган ҳолда магистрлар ва фан докторларини тайёрлаш, шунингдек ахборот-

коммуникация технологиялари соҳасида битирувчилар орасидан профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш;

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бакалавриат ўқув дастурлари ва диплом олинганидан кейинги дастурлар бўйича дунёнинг энг яхши университетлари рейтингда иштирок қилишга эришиш.

Университет раҳбарияти қуйидаги мажбуриятларни олади:

– олий таълим муассасалари (ОТМ) фаолиятининг қўлланиладиган қонун ҳужжатлари ва меъёрий талабларга, шунингдек кадрлар истеъмолчиларига доир талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

– ишлаб чиқилган халқаро стандартлар асосида сифат менеджменти тизимини такомиллаштириш;

– сифат менеджменти тизимининг фаолият самарадорлигига эришиш ва қўшимча ресурсларни аниқлаш.